

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Инагамова Лола Усманбековна,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси "Бошқарув маҳорати"
кафедрасининг в.б. доценти
e-mail: Lolahon8322@mail.ru

**БОШҚАРУВ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ
УСЛУБЛАР**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-5-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада катталар таълими соҳасида ўқитишнинг янги илғор инновацион технологияларининг аҳамияти ёритилган. Мақолада катталар таълими муаммоларига бағишланган махсус билимлар соҳасига эҳтиёж бугунги кунда баланд бўлгани боис ушбу йўналишда чуқур илмий, таҳлилий тадқиқотларни амалга ошириш давр талабига айланди. Андрагогика соҳасидаги замонавий тадқиқотлар майдони мақолада таҳлил қилинган.

Мақолада катталар таълими ва уларнинг ҳаётлари давомида юзага келадиган барча ижтимоий вазиятлардаги фаоллиги ҳамда муваффақиятини таъминлайдиган ички қонуниятлар ҳақидаги билимларни мутлааси энг муҳим омил эканлиги илгари сурилган. Муаллиф томонидан андрагогик билимнинг шаклланиши ва ривожланишининг принципларини амалий- таҳлилий фикрлар асосида хулоса берилган.

Таянчсўзлар: андрагогика, интегративлик, амалиётга йўналганлик, гуманитарлик, инновацион юзлар, тренер, ўқитиш методлари, интерфаол, метод, диагностика.

Инагамова Лола Усманбековна

Академия государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан
и.о. доцента кафедры "Искусство управления"
e-mail: Lolahon8322@mail.ru

**СОВРЕМЕННЫЕ ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ПРИ ПОДГОТОВКЕ
УПРАВЛЕНЧЕСКИХ КАДРОВ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье подчеркивается важность новых инновационных технологий обучения в образовании взрослых. Поскольку в статье подчеркивается потребность в специальных знаниях по вопросам образования взрослых, проведение глубоких научных-аналитических исследований в данном направлении стало требованием времени. В статье анализируется современные исследования в области андрагогики.

В статье утверждается, что образование взрослых является важнейшим фактором, способствующим изучению знаний на основе внутренних закономерностей, обеспечивающих их активность и успех во всех социальных ситуациях, возникающих в течение их жизни. Автором

дається заключення о принципах формирования и развития андрологических знаний на основе практико-аналитических представлений.

Ключевые слова: андрогика, методология, диагностика, гуманитарные науки, инновационные идеи, тренер, методы обучения.

Inagamova Lola Osmanbekovna

Acting Associate Professor of the "Management skills"

Department of the Academy of Public Administration

under the President of the Republic of Uzbekistan

e-mail: Lolahon8322@mail.ru

MODERN INTERACTIVE METHODS IN MANAGEMENT TRAINING

ANNOTATION

This article highlights the importance of new innovative learning technologies in adult education. Since the article emphasizes the need for special knowledge on adult education, conducting in-depth scientific and analytical research in this area has become a requirement of the time. The article analyzes the current research in the field of andragogy.

The article argues that adult education is the most important factor contributing to the study of knowledge on the basis of internal laws that ensure their activity and success in all social situations that arise during their lives. The author concludes on the principles of formation and development of andrological knowledge on the basis of practical and analytical concepts.

Key words: androgogics, methodology, diagnostics, Humanities, innovative ideas, trainer, teaching methods.

Forcitation: Inagamova Lola. Modern interaktiv teams for management of management leaders. International Journal of Social Studies. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 22-30

Бугунги кунда барча жабҳаларда илғор инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш давр талабига айланган. Шу нуқтаи назардан таълим тизимида ҳам бундай технологияларни қўллаш мамлакатнинг порлоқ келажагини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бошқарув кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида таълимнинг интерфаол услубларини қўллаш замон билан ҳамнафас тарзда қадам ташлашни, шунингдек, етакчи ривожланган мамлакатлар эришган ютуқларга тез фурсат ичида етиб олиш имконини беради. Чунки интерфаол таълим технологиялари катта ёшли тингловчиларнинг орттирган тажрибасини бойитиш, мавжуд билим ва кўникмаларини ривожлантиришда самарали механизм вазифасини ўтайди.

Маълумки, педагогика фанидаги "андрагогика" тушунчаси катта ёшлиларга самарали таълим бериш технологияларини назарда тутаяди. Ушбу тушунчанинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда катталарни тренинг машғулотлари ёрдамида ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Андрогогика - катталар таълими соҳасида ўқитишнинг янги принциплари асосида аста-секин вужудга келиб ривожланаётган фан. Таъкидлаш жоиз катталарни ўқитишнинг андрагогик асослари ва технологик усуллари, ривожланиш даврида бўлиб, таълимнинг бутун бир соҳасига таъсир қилмоқда. "Андрогогика" тушунчаси 1833 йилда немис педагогика тарихчиси А.Капп томонидан илм-фанга киритилган (грекчадан "андрос" - эркак киши, одам; "агогейн" - олиб бормоқ) бўлиб, "катта инсонни етаклаш" маъносини ифодалайди.

Россия педагогик энциклопедик лугатида андрагогикага қуйидагича тавсиф берилган: "Педагогика фани бўлимларидан бирининг номи бўлиб, катталар

таълими, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий муаммоларини ўз ичига қамраб олади" (2003 й., Б. М. Бим-Бад). Синоним сифатида адабиётларда "катталар педагогикаси", "катталар таълими назарияси" каби атамалар ишлатилади.

Фарб мамлакатларида андрагогика предметиға катталарни ўқитиш жараёнининг илмий ёндашуви сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан андрагогика - тушуниш (назария) ва бутун умр давомида катталарни ўқитишни қўллаб-қувватлаш (амалиёт) фани ҳисобланади. Андрагогика фан сифатида катталарнинг ҳаётида таълимнинг ривожланишдаги, ижтимоий ва мослашишдаги ўрнини таъминлайдиган принциплар, методлар ва воситаларни тақдим этади.

Андрагогиканинг вазифаси ўқув фаолиятнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Улар умумий касбий билимларни, илм-фан ва маданият ютуқларини ўзлаштиришга, катталарни ўқитишда катта таъсирга эга методлар, мотивация усулларини аниқлашга ёрдам беради.

XIX аср охирида "катталарни ўқитиш" тушунчаси мустақил ҳодиса сифатида белгилаб олинди, маданий-маърифий иш жараёнида "катталарнинг мустақил фаолият олиб бориш" гоёси маълум бир ижтимоий институтлар фаолиятининг йўналиши бўлди. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ўзига хос назариялар асосида катталар таълимиға ҳисса қўшаётган ёрқин шахслар пайдо бўлмоқда (Змеёв С.И., Қуқуев А.И., Бим-Бад Б. М., Гавров С. Н., Мальцев К.)[1].

Андрагогиканинг илм, ижтимоий амалиёт ва ўқув фани сифатидаги тарихий ривожланиш омиллари қуйидагича:

катталар таълимининг амалиётда оммалашуви ва таълим жараёнида ижтимоий, шахсий эҳтиёжларнинг мураккаблашиши;

катталарни ўқитишда таълимни узлуксиз амалга ошириш борасида давлат ва жамиятдаги шарт-шароитлар ва механизмларни излаш ва шакллантириш;

катталар таълими ва уларнинг ҳаётлари давомида юзага келадиган барча ижтимоий вазиятлардаги фаоллиги ҳамда муваффақиятини таъминлайдиган ички қонуниятлар ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш;

катталарнинг самарали таълимини ташкил этишда ташқи ва ички омиллар интеграциясини ҳисобга олиш ва уларни янада яхшилаш;

катталар таълимида интернационаллашув муаммоси (катталарни ўқитиш соҳаси билан боғлиқ).

Таълим анъанавий чегараларни бузиб, янгича йўналишга ўтаётганлиги сабабли катталарни ўқитиш технологиялари ўқув муассасалари амалиётида сезиларли даражада оммалашди. Катталар таълими муаммоларига бағишланган махсус билимлар соҳасига эҳтиёж бугунги кунда баланд бўлгани боисушбу йўналишда чуқур илмий, таҳлилий тадқиқотларни амалга ошириш давр талабига айланди. Андрагогика соҳасидаги замонавий тадқиқотлар майдони қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳолининг турли хил категория ва гуруҳларининг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, касбий тайёргарлик даражаси, соғлиғини инобатга олган ҳолда таълим эҳтиёжларини ўрганиш;

- катталарни ўқитиш фаолиятининг йўналишлари, шакллари ва вазифаларини асосий ва қўшимча касбий таълим, мустақил таълим, таълимдан ташқари вақт, маърифий фаолият, маънавий ривожланиш даражасида ўрганиш ва моделлаштириш;

- катталар таълими тизимини мазмунли, мақсадли, технологик равишда зарур кадрлар билан таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш.

Андрогагик билимнинг шаклланиши ва ривожланишининг принциплари - интегративлик, амалиётга йўналганлик, гуманитарлик (ижтимоийлик) ҳисобланади. Андрогагика предмети - катталарни ижтимоий ҳаётга мувофиқ равишда ўқитишнинг принциплари, методлари ва воситаларини аниқлатади. Яъни ўқитиш - шахсий ривожланиш қобилиятини ўстириш методикаси сифатида намойиш бўлади.

Касбий одатлар, билим, кўникма, малака, шахслараро муносабатларда қадриятлар тизими бўйича маълумотлар бериш катталарни ўқитишнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Ушбу ёндашувни аниқлаш андрогагикани ижтимоий амалиёт соҳаси сифатида ўзлаштиришни билдиради.

Андрогагика тамойиллариға мувофиқ катталарни ўқитиш малакали, ўз ишининг устаси бўлган тернерларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Катталарни ўқитишда тренерда кўнгил олиш санъати ривожланган бўлиши лозим. Маълумки, "Кўнгил очиш санъати, бу - инсоннинг ўзи билан бошқалар ўртасидаги ўзаро илиқ, ишончли ва самимий алоқаларни ўрнатиш йўли орқали ўзига бўлган ҳурмат-эътиборни пайдо қилиш, десак тўғри бўлади. Ушбу таърифға асосланган ҳолда ҳар кимнинг кўнглини олишингиз мумкин бўлади. Кўнгил олиш санъатига бўлган янги ҳаёт ёндашув нафақат руҳий лаззат, фойда келтириб, кўнглини хушнуд этади, балки шахсий ва касбий ютуқларға эришиш учун ҳам йўл очиб беради"[2, - Б.252]. Тренингларнинг самарали ташкил этилиши ва уларда кўзланган мақсадларға муваффақият билан эришилишининг гарови - тренернинг тингловчилар билан самимий, илиқ муносабат ўрната олиши билан боғлиқ.

Тренер - касбий нуқтаи назардан катталарни ўқитувчи шахс. Бироқ андрогагика фанидан келиб чиқиб ёндашилса, тренер вазифасини нафақат ўқитувчи, балки бошқа касб эгаси ҳам амалға ошириш мумкин. Яъни андрогагика "инсон - инсон" тизимида ишлашни назарда туттади. Шунингдек, андрогагика тамойиллари асосида таълим беришда психология фани муҳим ўрин туттади. Чунки Ш.Магзумова, И.Махмудов, Г.Хайдарова, Н.Мирджуревалар фикрича: "Психологик ресурслар анъанаға кўра психологиядаги инсонпарварлик йўналиши доирасида ўтказиладиган шахснинг конструктив ибтидоси тадқиқоти билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Тадқиқотларнинг бу борадаги энг муҳим йўналиши одамлар ҳаётдаги мураккаб вазиятлардан қандай чиқиб кета оладилар, қандай фазилат ва ҳислатлар эвазига улар стрессни енга олишни ўрганишдан иборат. Шу муносабат билан психологик енгил (копинг - ҳулқ-атвор) муаммоси ривожланади, шахс ҳаётдаги экстремал вазиятларни енгилб ўтишға кўмаклашувчи ёхуд ҳалақат берувчи шахсий фазилатлар очилади.

Психологик ресурслар шахснинг йўналишини белгилаб берувчи ҳамда ўз салоҳиятини рўёбға чиқариш учун пойдевор яратадиган шахснинг қадриятлар ва мазмун-моҳият ўлчамини ўзгартириш орқали шахс ва ҳаётини муҳит ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш, ҳаётдаги ноқулай ҳолатларни енгилб ўтиш қобилиятлари тизими сифатида изоҳланиши мумкин" [3, - Б.104]. Шундан келиб чиқиб катталарни ўқитишнинг назарий ва методологик асосларини ташкил қилувчи асосий андрогагик принциплар қуйидагиларға ажратиш мумкин:

- ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методлари, усуллари, шакллари, воситаларига амал қилишни кўзда тутувчи тизимлилик ва натижалар таҳлили;
- тингловчининг ҳаётини, касбий, амалий тажрибасига таянган ҳолда таълим бериш;

- катталарда янги таълимга бўлган эҳтиёжни шакллантириш орқали ўқитишнинг белгиланган мақсад ва вазибаларига эришиш;

- тингловчи томонидан ўзлаштирилган билимлар, кўникмалар ва малакаларни кечиктирмасдан амалиётга татбиқ этиш орқали ўқитиш натижалари самарадорлигига эришиш;

- ўқитишнинг мақсадлари, тажриба ҳамда тингловчилар тайёргарлигининг бошлангич даражаси, уларнинг когнитив ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда индивидуал таълим дастурларидан фойдаланиш;

- тингловчиларга таълимнинг мақсадлари, мазмуни, методлари ва шакллари, ўқитиш мuddати, вақти ва жойи, олинадиган натижалар юзасидан эркинлик бериш - ўқитишнинг эклектиклик тамойилларига таяниш;

- тингловчининг ўқитувчи-тренер ҳамда гуруҳдаги иштирокчилар билан биргаликда ўқув фаолияти олиб боришини таъминлаш;

- катталарни ўқитишда тингловчиларда ҳаётий, касбий фаолиятни амалга оширишда ижтимоий мослашувчанликни шакллантирувчи дастур ҳамда методикалардан фойдаланиш.

Ҳозирги шиддат билан ўзгараётган, инновацияон гоёлар ривожланаётган бир даврда янги ахборотни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларини шахсан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган тингловчиларни ўқитиш таълим тизими олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, андрагогик тамойиллардан келиб чиқиб, самарали таълим механизми бўлган тренингларни тўғри ташкил этиш вазибаси долзарб аҳамиятга эга.

Маълумки, тренинг (инг. training, train - "таълим бериш, тарбиялаш") - билим, кўникма ва малака ҳамда ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган таълим ҳисобланади. Тренинг - интерфаол таълим методи бўлиб, шахслараро мулоқот ва профессионал ҳулқ-атвор бўйича малака оширишни назарда тутди.

Ушбу метод катта ёшларни ўқитишнинг ўзига хос услубларидан биридир. Чунки бугунги кунда замонавий педагогик технологиялар таълим жараёнида бир вақтнинг ўзида кўп томонлама самарали натижаларга эришишга имкон берадиган воситага айланган. Шу нуқтаи назардан катталарни ёшини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш учун тренингларни қўллаш замон талабига айланди. Сабаби тренинглар асосида таълим бериш қуйидаги функцияларни ўз ичига олади:

1. Мослашув - тингловчиларни ўзгаришлар, янгиликлар ва замонавий ёндашувларга мослаштириш, кўниктириш.

2. Рағбат - педагогик технологиялар, интерфаол таълим ва интерфаол методлар асосида тингловчиларнинг мавжуд билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш, шунингдек, бу борадаги муайян бўшлиқларни амалий машғулотлар ёрдамида тўлдириш.

3. Ривожлантириш - иш фаолияти самарадорлигига эришиш, маҳоратни ошириш ва шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда руҳий кўмак бериш.

Маълумки, катталар таълими (adult learning, adult education) - жамият томонидан катта ёшли деб ҳисобланган кишиларнинг ўз қобилиятларини ривожлантириш, билимларини ошириш, техник ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш ёки шахсий эҳтиёжлари ва жамият эҳтиёжларини қондириш учун янги йўналишда қўллашни ўрганишни мақсад қилган расмий ёки бошқа шаклдаги ўқиш жараёни[4, - Б.294].

Таъкидлаш жоиз, тренингни ишлаб чиқиш жараёнида замонавий ўқитиш услублари, яъни интерфаол услублар, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш зарур. Чунки замонавий педагогик технологиялар, уларнинг тренингларда самарали қўлланиши иштирокчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Тренинг шаклидаги дарсларнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, бундай машғулотлар давомида катта ёшли тингловчиларда ижобий фикрларни шакллантириш, ижтимоий ҳаётда - ишда, уйда юзага келадиган турли салбий ҳолатларга мустақил равишда ечимлар топиш кўникмасини ҳосил қилиб, уларни оптимистик кайфиятга руҳлантиришни, тўғри фикрлашга йўналтиришни назарда тутати. Дейл Карнеги бу ҳақда, "Ўттиз беш йил давомида катта ёшлиларга дарс бериш натижасида мен эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз безовталиклари, қўрқувлари ва бошқа турдаги хасталикларидан қутила олишлари ва фикрлаш йўллариини ўзгартириш билан ўз ҳаётларини ўзгартира олишлари мумкинлигини биламан... Мен кўп марталаб инсонлар ҳаётидаги кескин ўзгаришларнинг гувоҳи бўлганман. Мен бунини шунчалик кўп кўрганманки, улар мени, ҳатто ажаблантирмайди ҳам.


Мен, бизнинг руҳий хотиржамлигимиз ва қувончимиз бизнинг қаерда эканлигимизга, нимамиз борлигига ёки жамиятда қандай ўрин тутишимизга эмас, балки фикримизни тўғри йўналтира олишимизга боғлиқ эканлигига ишончим комил. Ташқи таъсирларнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ"[5, - Б. 151]. Шунинг учун ҳам катталар таълимида инновацион технологиялар ва интерфаол методлардан фойдаланиш муҳим ўрин тутати.

Шу ўринда "инновация" ва "интерфаол" тушунчаларига тўхтилиб ўтсак. Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиланиш, ниманидир ўзгартириш ҳисобланади. Инновацион технологиялар педагогик жараёнда тренер ва иштирокчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишни аниқлаб, интерфаол таълим услубларини қўллашни ифодалайди.

"Интерфаол" ("Inter" - бу ўзаро, "act" - ҳаракат қилмоқ) тушунчаси-ўзаро ҳаракат қилишни (ёки ким биландир суҳбатда, мулоқотда бўлиш) англатади. Интерфаол таълимнинг моҳияти - иштирокчиларнинг бир-бирларидан янги билимларни ўрганишларига йўналтирилган таълим ҳисобланади.

Интерфаол таълим, интерфаол услублар мунтазам мулоқотга асосланган услублар тизими бўлиб, иштирокчилар ҳамкорликдаги ва фаол иштирокидаги таълим ва услублар тизими ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитишнинг интерфаол услублари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим оловчилар ўқиш жараёнига жалб қилинади (1-расм). Улар ўзларидеги мавжуд билимлари ва тажрибалари асосида янги маълумотларни тушуниш ва уларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол машғулотларда трениннинг вазифаси иштирокчиларни тренинг мақсадларига эришишда фаол қатнашишга йўналтиришдан иборат бўлади. Бу услубнинг ўзига хослиги шундаки, тренинг машғулотлари тренер ҳамда иштирокчиларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди. Натижада:

- ҳар бир иштирокчинини тренинг давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишига;
- иштирокчиларнинг тренинг жараёнида мавзуга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланишига;
- иштирокчиларнинг мавзуга ва ундаги ҳар бир масалага бўлган қизиқишларини мустақил равишда ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилишига эришилади.



1-расм. Интерфаол методлар

Таъкидлаш лозим, "тренинг" тушунчаси "ўқитмоқ", "тарбияламоқ", "машқ қилмоқ", "тажрибаларни ривожлантириш" каби маъноларни англатади. Ушбу тушунчанинг моҳиятидан келиб чиқиб тренинг машғулотларида қўлланиладиган методларни тўртта асосий гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ - вазият диагностикаси, иштирокчилар билан танишиш, бир-бирини тушунишга қаратилган методлар.

Иккинчи гуруҳ - ахборот таъминоти: маърузалар, тақдимоғлар, фильмлар. Бунда "интерфаол" методларни қўллашдаги имкониятлар ва чекловларни кўриб чиқиш мумкин.

Учинчи гуруҳ - гуруҳда ишлаш: ролли ўйинлар, ақлий ҳужум, таҳлил - гуруҳ иштирокчиларини кичик гуруҳларга бўлишни талаб этадиган тренингнинг барча элементлари бўлиши мумкин.

Тўртинчи гуруҳ - қайтма алоқа: савол-жавоб, таҳлил (рефлексия), якуний хулоса.

Шу ўринда интерфаол таълимнинг вазифаларига ҳам тўхталиб ўтсак. Улар қуйидагилардан иборат:

1) тингловчиларга билимлар, малака ва кўникмалар бериш, дунёқарашни бойитиш;

2) ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларда фаол қатнашишга тингловчиларни тайёрлаш;

3) тингловчиларнинг умумий руҳий, интеллектуал, эмоционал, иродавий ривожланишини таъминлаш.

Таълим жараёни қанчалик тўғри ташкиллаштирилиб, мувофиқ кетма-кетликда олиб борилса, тренинг самарадорлигига эришиш даражаси юқори бўлади. Ижтимоий ҳаётда ўрганиш ва шахсий ривожланиш бир-бири билан ўзаро боғлиқ жараён. Яъни ўрганиш ривожланишни келтириб чиқаради, қобилиятлар, истеъдодни шакллантиради, ривожланиш эса ўрганиш имкониятларини кенгайтиради.

Таъкидлаш жоизки, катта ёшлилар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сабаби катта ёшлиларда шакланган фикр ва ғояларни янги қарашлар билан бойитиш, янги билим ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиш мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Катта ёшлиларнинг малакасини ошириш учун уларни, аввало, таълим жараёнига қизиқтириб олиш зарур. Бунинг учун таълим жараёни мақсадли, асосли, динамик ўзгаришларга бой шаклда ташкил этилиши керак. Айнан катта ёшлиларни ўқитишда тренинглардан фойдаланган ҳолда таълим бериш мана шундай таълим жараёнини ифодалайди. Унда ёрқин, завқли, қизиқарли, қувноқ, бирлаштирувчи, фойдали, ижодий машғулотлар асосида катта ёшли тингловчиларнинг фаоллиги оширилиб, билимлари бойитилади. Тренинглар ёрдамида катталарга таълим бериш назариясига кўра, ўқитиш методикасини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, тренинг машғулотларини ташкил этишнинг муҳим ҳужжати бўлимиш дастурни шакллантириш таълим самардорлигига эришишнинг бош калитидир.

Катталарни ўқитишнинг айрим жиҳатларини билиш тренер-ўқитувчига тингловчиларни билим олишлари учун муносиб муҳитни яратиб бериш имконини беради. Тренер-ўқитувчининг вазифаси барча тингловчиларнинг фикрларини сафарбар қила олиш ва шу орқали уларнинг диққатини таълим дастурига қаратиш орқали максимал даражадаги натижага эририш ҳисобланади.

Катталарни ўқитишда "мотивация" тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай таълим дастурларида иштирок этувчи тингловчиларнинг одатда ички шахсий мотивациялари бўлади. Гарчи уларга ушбу тренингларда қатнашиш таклифи берилган бўлса-да, тингловчилар бундай таълим жараёнларида қатнашишнинг фойдаси кўп бўлишига ишонадилар. Ўрганишни хоҳловчи инсонларни ўқитиш осон. Чунки улар тренингларга муайян билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш учун келадилар. Тренер-ўқитувчининг бош вазифаси тингловчилардаги тренингга бўлган қизиқишларини янада орттиришдан иборат. Хусусан:

- зарур қулай муҳитни яратиш;
- яхши жамоани туза олиш;
- зарур ахборот ва материалларни таклиф эта олиш;
- ижобий хулосаларни бера олиш;
- фаол иштирокчиларни рағбатлантира олиш;
- билим олиш истагини қўлаб-қувватлай олиш;
- иштирокчилар салоҳиятини юқори баҳолай олиш;
- ҳар қандай кўрқув ва хавотирни бартараф этиш;
- таълим олишга бўлган ижобий муносабатни сақдай олиш.

Катта ёшдаги тингловчиларнинг дастурдан ташқаридаги ҳаётлари бир мунча қийинроқ. Шунинг учун тренер-ўқитувчи бунинг ҳисобини олган ҳолда уларга таълим олиш ва ўқув дастуридан тўғри фойдаланиш учун муносиб шароит ва муҳитни яратиб бера олиши керак.

Тренер-ўқитувчи дастурни тайёрлаётганда амалиётга тадбиқ этиш мураккаб бўлган вазиятларни олдиндан аниқлаб олиши ва тренинг жараёнида уни муҳокама қилиб, унга аниқ ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш бўйича тингловчиларда малака ва кўникмалар ҳосил қилишни назарда тутиши лозим. Тренер-ўқитувчининг вазифаси ўқув жараёнида тингловчиларнинг фаол

иштирокини бошқарув ва рағбат орқали таъминлашдан иборат. Ўқув машғулотларида тренер-ўқитувчи билан тингловчилар ўзаро шерикка айланадилар.

Дастур шундай тузилган бўлиши керакки, унда тренинг жараёнида тренер-ўқитувчи бир вақтнинг ўзида тингловчиларга зарур билимларни бериши ва ролли ўйинлар, гуруҳда ишлаш, кейс-стади каби усуллардан фойдаланган ҳолда уларни амалиётда қўллаш бўйича самарали таълимни ташкил этиши назарда тутилган бўлиши лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, охириги пайтларда таълим бериш методлари ўзгарди. Деректив услублардан авторитар услубларга ўтилди. Яъни таълим нисбатан интерфаол ва тажрибага асосланган ҳамда тингловчининг диққатига қаратилган дарс шаклларига ўтди. Хулоса қилиб айтганда, андрагогик таълим усулидан фойдаланган ҳолда катталарни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш орқали бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимига инновацион технологияларни жорий қилишнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш имконияти кенг эканлигини таъкидлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан андрагогика орқали Ўзбекистон таълим тизимига янги инновацион ўқитиш усулларини қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Змеев С.И. Андрагогика: основы теории, истории и технологии обучения взрослых. - М.: М.: ПЕР СЭ, 2007. - С. 91. - 272 с.; Кукуев А.И. Андрагогический подход в педагогике. - Ростов-на-Дону.: ИПО ПИ ЮФУ, 2009. - С. 11. - 328 с.; Бим-Бад Б.М., Гавров С.Н. Модернизация института семьи: макросоциологический, экономический и антрополого-педагогический анализ: Монография. М.: Интеллектуальная книга, Новый хронограф, 2010. - С.152.; Мальцев К. Ценный кадр: Как построить эффективную систему обучения в компании. - М.: Альпина Паблишер, 2015. - 112 с.
2. Этикетнинг олтин китоби.- Т.: Янги аср авлоди. 2010. - Б. 296 (252-бет).
3. МагзумоваШ., МахмудовИ., ХайдароваГ., МирджураеваН.Нотиқлик санъати. Ўқув қўлланма. - Т.: Akademiya, 2015. - Б. 2015. (104-бет).
4. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. - Т.: 2017. - 368 б. (294-б.).
5. КарнегиД.Безовталиқдан қандай қутилиб яшаш мумкин (таржимон Исмоилова М.). - Т.: Donish chirog'i, 2018. - Б. 308. (151-бет).